



Қариндошлик ҳақлари, ҳукмлари



“Силаи раҳм” ибораси икки сўздан иборат. Сила — бу иш-ҳаракат, феъл бўлиб, киши уни амалга ошириш орқали восил, яъни боғловчи ҳисобланади. Ибн Ҳажар Ҳайсамий айтади: “Сила бу яхшиликдан бирортасини етказиш (қилиш) дир”. “Раҳм” луғатда бачадон маъносида. Мажозий маънода қариндошликка ҳам ишлатилади.

Шаръий истилоҳда эса, орала-рида туғишганлик ёки куда-андалик сабабидан собит бўлган қариндошликка “раҳм — арҳам” дейилади.

Қариндошлик икки хил бўлади: маҳрам ва маҳрам бўлмаган қариндошлик.

Маҳрам қариндошларга ота-она, ака-ука, опа-сингил, бобо-буви, набиралар, амаки-тоға, амма-холалар киради. Маҳрам қариндошлар ўртасида никоҳ жоиз эмас. Шулардан бошқалари, масалан, амаки-тоға, амма-холаларнинг фарзандлари маҳрам бўлмаган қариндош ҳисобланади.

Маҳрам қариндошлар билан силаи раҳм қилиш — вожиб. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан кўрқингиз!»** (Нисо сураси, 1-оят).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **“Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган киши меҳмонини икром қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон**

келтирган бўлса, қариндошлик (риштаси)ни боғласин...” (Имом Бухорий ривояти).

Ота-онага қилинадиган яхши муомала-муносабат — “бирр”, яъни яхшилик, бошқа қариндошларга қилинадигани эса, “сила” — боғлаш дейилади. “Биррул волидайн” — ота-онага яхшилик қилиш деган ибора шундан келиб чиққан.

Отанинг вафотидан кейин катта ака ва бобо яхшилик қилишда худди ота мақомида бўлади. Катта опа ва хола онадан кейин она мақомида бўлади.

Қайси қариндошлар билан алоқаларни боғлаш талаб этилади деган масалада мазҳабимиз уламолари икки хил жавоб беришган. Биринчи қавлга кўра, фақат маҳрам қариндошлар билан боғлаш талаб этилади. Чунки барча қариндошлар билан силаи раҳмни боғлаш талаб этилса, Одам авлодининг ҳаммаси билан боғлаш лозим келиб қоларди. Бу эса имконсиздир. Шундай экан, улар билан алоқани боғлаш вожиб, узиш ҳаром бўлган аниқ бир тоифани белгилаб олиш зарур бўлади. Бундай муносабатга эса маҳрам қариндошлар ҳақлироқдир. Зеро, Набий алайҳиссалом: **“Аёл ўзининг аммаси ё холаси устига ёки ака-укаси ё опа-синглисининг қизи (яъни, жияни) устига никоҳланмайди. Агар шундай қилсангизлар, қариндошликни узган бўласизлар”**, деганлар (Имом Абу Довуд ривояти).

Иккинчи қавлга кўра, қариндошлик алоқалари барча қариндошлар билан — маҳрам бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар — боғланиши талаб этилади.

Дини бошқа бўлган қариндошлар билан алоқаларни боғлаш вожиб эмас. Чунки Аллоҳ таоло бу ҳақда хабар бериб айтади: **«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига муҳолифлик қилувчилар билан — гарчи улар ўзларининг оталари ёки ўғиллари ёки оға-инилари ёки қариндошлари бўлсалар ҳам — дўстлашаётган ҳолда топмассиз»** (Мужодала сураси, 22-оят). Аммо ота-она бундан истисно қилинган: **«Уларга (яъни, ота-онанга гарчи кофир бўлсалар-да,) дунёда яхши муомалада бўл ва ўзинг Менга тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин!»** (Луқмон сураси, 15-оят).

Аммо Абу Лайс Самарқандий раҳимахуллоҳ Саҳнун ибн Муҳаммадондан “Мусулмон билан кофир қариндошчилик алоқаларида баробардир”, деган сўзни нақл қилган.

Албатта, қариндошлик алоқаларининг даражасида фарқ бор. Ота-онага қилинадиган яхшилик энг улуғ даражадагиси ҳисобланади. Улардан бошқалари яқинлигига қараб даражаланиб бораверади. Бу ерда алоқаларни боғлашдан “улар боғлашса, сен ҳам боғлашинг керак” деган маъно ирода қилинмайди.

2-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 14 апрель куни Бўстонлик туманидаги “Қоровой ота” жоме масжиди янги биносига илк ғишт қўйиш маросими бўлди. Тадбирда диний идора “Қуръон ва тажвидни ўргатиш” бўлими мудири Шайх Алижон қори, Тошкент вилояти вакилиги ҳудуд раҳбари Мусохон Бобоев, имом-хатиблар, маҳалла фаоллари, нуроний отахонлар иштирок этди.

✓ 26 апрель куни Мир Араб олий мадрасасида диний идоранинг Таълим ва илмий-тадқиқотлар бўлими мудири Салоҳиддин Шерхонов ва Масжидлар билан ишлаш бўлими мудири Музаффар Камолов билан битирувчи курс талабаларининг очик учрашуви бўлди. Мадраса битирувчилари масжидлар ва мадрасаларда ишлаш учун тақсимот қилинди. Бу йил Олий мадрасани 23 нафар йигит ва 4 нафар аёл-қиз, жами 27 нафар талаба битирмоқда.

✓ 27 апрель куни Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида “Энг яхши китобхон” танлови ўтказилди. Унда фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган 3 нафар талабага махсус совғалар ва пул мукофотлари тайинланди.

✓ 28 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаровни қабул қилди. Мулоқотда диний-маърифий йўналишларда, буюк аждодларимиз илмий меросини ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

✓ 1 май куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Туркия парламентининг “Туркия–Ўзбекистон” парламентлараро гуруҳи раиси, депутат Осман Местенни қабул қилди.

✓ Диний идора Масжидлар билан ишлаш бўлими хабарига кўра, 2023 йилнинг биринчи чорагида ҳомийлар ёрдамида масжид ва мадрасаларга қарийб 1 миллиард сўмлик қурилиш моллари етказиб берилди.

Инсонлар бошига шундай замон келадики...

Али розияллоху анхундан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Инсонлар бошига шундай замон келадики, қайгулари қоринларидир, шарафлари мол-дунёларидир, қиблалари хотинларидир, динлари олтин-кумушларидир. Улар халқнинг энг ёмонидирлар ва Аллоҳнинг ҳузурида уларга (яхшиликдан) насиба йўқдир”** (Имом Сулабий ривояти)

“Қайгулари қоринларидир...” Бу ҳадис — маънавий таназзул манзарасидир. Маънавият хароб бўлган жойда моддий нарсаларга ҳирс кучаяди, одамларда ҳайвоний сифат авж олади. У замондаги инсонларнинг асосий ташвишлари — қоринлари, емак-ичмак бўлиб қолади. Бойлари — маишатпараст, камбағаллари — ношукр, энг улкан ғамлари — миллат ғами эмас, дин, мусулмонлар ва охираат ғами эмас, қорин ғами бўлиб қолади. Уларнинг ибодатгоҳлари — ошхоналар, зиёратгоҳлари — ҳожатхоналардир.

“Шарафлари мол-дунёларидир...” Одатда, инсоннинг шарафи — иймони, тақвоси, илму маърифати, гўзал одоб ва ахлоқи, ҳиммати, саховати,

дин йўлидаги ғайрат ва шижоати, юксак инсоний фазилатлари бўлиши керак эди. У замон одамларнинг шарафлари илму маърифат эмас, бошқа инсоний фазилатлар эмас, балки мол-дунёлари, бойликларидир. Илм аҳллари ҳар хил сиёсий айблар билан қўрқитилиб, жамиятдан четлатилган, пойгакларда хор, дунёдорлар — тўрда, иззат-ҳурматда. Бу ўлимга юз тутган жамиятнинг манзарасидир.

“Қиблалари хотинларидир...” Одатда, одам қиблага қараб намоз ўқийди, эгилиб Аллоҳга таъзим, руку ва сажда қилади, қиблага қараб дуо қилади, қиблага қараб ўзини тузатади. У замоннинг одамлари ҳар бир ишини хотиннинг раъйига, қош-қобоғига, ҳою ҳавасига, хоҳиш-истагига қараб бажаради, ҳар ишда хотинлари қиблага айланган. Эркакларда оилани шариатга мувофиқ бошқариш, қатъият, ҳалол ризққа интилиш, мардлик, раҳбарлик, мустақил фикр ва иш юритиш лаёқати сўнгган. У — номига уйнинг эркаги, аслида хотиннинг қули... Хотин илми, оқила ва солиҳа бўлса эди, эридан ҳалол ризқни, тўғрилиқни, шариатга мос ҳаётни талаб қилар эди. Лекин у замоннинг аёли овсар бўлганидек, эри ҳам овсар. Бу ҳолат жамият бошига келадиган улкан бир фалокатдан нишонадир.


“Динлари олтин-кумушларидир...” Дин — ақли ва тани соғлом одамнинг яшаш тарзи, дунё ва охираат саодатининг ишончли йўли, одамзод маънавиятининг ўлчови-андозасидир. Бу буюк маънавий хазина моддий бойликлар билан алмашганда аҳвол нима бўлади? У замоннинг одамлари юриш-туришда, яшаш тарзида муқаддас ва муборақ динни эмас, моддий бойликларни, олтин-кумушларини асос қилиб олади.

Гўё дину диёнатини мустаҳкам тутган одам яхши ва қадрли одам эмас, гўё олтин-кумуш — бойлиги бор одам яхши ва қадрли одам. Бу одамзод таназзулининг буюк фалокатларга ва қиёматга энг яқин ҳолатидир.

“Улар халқнинг энг ёмонларидир...” Чунки улар шаклан мўмин бўлсалар ҳам, ўз феъл-атворлари, ният ва амаллари, яшаш тарзлари билан Аллоҳнинг пок ва муқаддас динини нолойиқ нарсаларга алмаштириб олдилар.

“Ва Аллоҳнинг ҳузурида уларга насиба йўқдир...” Чунки улар шаклан мўмин бўлсалар-да, мислсиз гуноҳлар билан қалблари қорайиб кетган, лоқайдлашган, моҳиятан, иймон ва куфр орасида сарсон бўлиб қолган кимсалардир.

Ўшандай замон келишининг олдини олиш ёки ортга суриш — тўғри ва соғлом иймон-этикодга



эга бўлиш, муқаддас Ислом дини қоидалари асосида яшаш, шариат кўрсатмаларини ҳаётда дас-туриламал қилиб олиш, Аллоҳнинг амрларига мувофиқ яшаб, қайтариқларидан қайтишдир. Қисқаси, тўғри, соғлом, тақволи, хушфеъл, хайрхоҳ, яхшиликсевар мусулмон бўлиб яшашдир.

Оғир гуноҳларни, осийлик ва фосиқликни, динга хилоф иш-ҳаракатларни кўпайтирган киши қиёмат ва ёмон замонлар келишини тезлатган бўлади. Чунки ислом аҳкомлари билан яшаш тугаганида қиёмат қоим бўлади.

Ўшандай ёмон замонлардан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз! Биздан ва бизнинг узоқ замонларга қадар келадиган авлоду зурриётларимиздан у замонларни йироқ айла, ё Рабб!..

Шайх Мирзо Аҳмад ХУШНАЗАР ТЕРМИЗИЙ

Динимизни ўрганамиз

Қариндошлик ҳақлари, ҳукмлари

❶ 1-бетда

Чунки бундай қилиш “мукофот”, яъни ўзига муносиб жавоб қайтариш бўлади. Урфимизда бу нарса “Бор товоғим, кел товоғим” дейилади. Ҳадисларда **“(Қариндошликни) мукофот билан боғловчи (ҳақиқий) боғловчи эмас, (ҳақиқий) боғловчи — алоқаларни узган билан боғлаган кишидир”**, дейилади.

Қариндошлик алоқаларини боғлаш қуйидаги ишлар билан ҳосил бўлади: хабар олиш, зиёрат қилиш, ёрдам бериш, қўллаб-қувватлаш, ҳожатларини чиқариш ва салом бериш. Набий алайҳиссалом: **“Гарчи салом билан бўлса-да, қариндошларингизни йўқланглар”**, деганлар (Имом Табароний ривояти).

Олисдаги қариндошлар билан телефонлашиб ёки ёзишиб бўлса ҳам алоқаларни давом эттириш керак. Аммо олисдаги ота-она талаб қиладиган бўлса, уларни бориб кўриш лозим, телефонлашиб

ёки ёзишиб ҳол-аҳвол сўраш кифоя қилмайди.

Қариндошларга моддий ёрдам кўрсатиш алоқаларни мустаҳкамловчи омиллардан. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: **“Мискинга қилинган садақа битта садақа (нинг савоби) бўлса, қариндошига қилинган иккита бўлади: ҳам садақа, ҳам алоқаларни боғлаганлик (савоби)”** (Имом Термизий ривояти).

Ўзига тўқ, бой-бадавлат кишининг муҳтож қариндошларини то моддий қўллаб-қувватламагунича куруқ қўл билан зиёрат қилгани ҳисобга ўтмайди.

Қариндошлик алоқаларини боғлашда ҳикмат кўп. Уларнинг энг улуғи ризқнинг кенг, умрининг узун бўлишидир. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Кимни ризқининг кенг бўлиши ёки ажали ортга сурилиши хурсанд қилса, у ҳолда қариндошлик алоқаларини боғласин”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Шунингдек, силаи раҳм қилиш мурувватни ва вафотдан кейинги ажрнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки силаи раҳм қилувчи киши дунёдан ўтиб кетганидан кейин қариндошлари унинг яхшиликларини эслаб, ҳаққиға хайрли дуолар қилиб туришади.

Қариндошликни узиш гуноҳи кабира ҳисобланади. Аллоҳ таоло огоҳлантиради: **«Аллоҳ билан аҳд боғлаганларидан кейин уни бузгандан, Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни (яъни, қариндошлик алоқаларини) узадиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр (жаҳаннам) бордир»** (Раъд сураси, 25-оят).

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: **“Аллоҳ таоло ҳалойиқни яратиб бўлгач, раҳм туриб: “Бу мақом (менинги ўрним) Сенинги ёрдаминг билан**

(силаи раҳмнинг) узилишидан паноҳ сўраладиган жой-ку?” деди. У Зот сўради: **“Сенга боғланганга боғланиб, сендан узилгандан узилсам, рози бўласанми?” “Ҳа, рози бўлман, Раббим”**, деди раҳм. У Зот: **“Шу сенга бўлақолсин”**, деди. Сўнг Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Истасангизлар “Агар (иймондан) бош тортсангиз, аниқки, сизлар ерда бузғунчилик қиласизлар ва қариндошларингиз (билан ҳам алоқаларингиз)ни узасиз, албатта. Ундай кимсаларни Аллоҳ лаънатлагандир, бас, улар (нинг қулоқлари)ни “кар”, кўзларини “кўр” қилиб қўйгандир (Муҳаммад сураси, 22–23-) оятларини ўқинг”**, дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Манбалар асосида
Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти
“Ҳадис ва Ислом тарихи фанлари”
кафедраси ўқитувчиси
Мансур ЖАМБИЛОВ тайёрлади.

Қуръонни тафсир қилишлари*

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Аллох таолонинг Китобини тафсир қилиб, шарҳлаган биринчи муфассирдирлар. У зот: **“Қайси бир қавм Аллохнинг уйларида бирида жам бўлиб, Аллохнинг Китобини тиловат қилса, уни ўрганса, уларнинг устига сакинати нозил бўлади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуришаб олади, Аллох (уларни) Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади”**, деб марҳамат қилганлар¹.

Мулла Али Қори “Мирқотул мафотих”да: «Ҳадисдаги “уни ўрганса” деб таржима қилинган сўз «يَتَدَارَسُونَهُ» (“ятадааросунаху”) бўлиб, “сўзларини тўғрилаб, маъноларини баён қилиб, бир-бирига ўқиб бериш” деган маъноларни билдиради», деб келтиради.

Имом Суютий “Итқон”да: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобаларига Қуръоннинг ҳаммасини ёки аксарини баён (тафсир) қилиб берганлар”, деган.

Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Калола ояти охиригиз нозил бўлган оятлардан. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам уни тафсирлаб бермай туриб, вафот этдилар”**².

Бундан маълум бўладики, Пайғамбаримиз алайҳиссалом нозил бўлган ҳар бир оятни саҳобаларига тафсир қилиб берганлар. Лекин “калола” ояти нозил бўлганидан сўнг кўп ўтмай вафот этганлари учун бу оятни саҳобаларга тафсирлаб беришга улгурмаганлар.

Шу ўринда яна бир ҳадис ҳақида фикр билдириб ўтиш лозим. Ойша розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Қуръондан бирон оятни тафсир қилган бўлсалар, фақат Жаброил алайҳиссалом ўргатган сураларнигина тафсир қилганлар”**³.

Ҳофиз Ибн Касир бу ҳадисни мункар (қабул қилинмайдиган) деган. Ибн Жарир ва бошқалар эса қуйидагича таъвил қилишган:

* Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

“Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Қуръондаги муташобех – маъносини тушуниш қийин бўлган оятларнинг тафсирини Аллох таолодан сўраганлар. Шунда Аллох таоло уларнинг маъносини Жаброил алайҳиссалом орқали Набий алайҳиссаломга етказган”.

Тарих ва хабарлар

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобаларига тарихий воқеалар ва ўтган умматларнинг хабарини ҳам ўргатишга эътибор берганлар. Аллох таолонинг буйруғига бўйсуниб, бу хабарларни саҳобаларига етказишга алоҳида вақт ажратганлар. Аллох таоло айтади: **«..уларга Аллохнинг кунларини (ўтмиш воқеаларини ёки неъматларини) эслатгин!»** (Иброҳим сураси, 5-оят).

Аллох таоло ушбу оятда ўтган умматлар билан юз берган воқеа-ҳодисаларни эслатишга чақирмоқда. Бунинг натижасида инсонлар ўтган умматларнинг шахсияти, хабарлари, илмлари, мерослари, урф-одатлари сабабини ўрганиб, тегишли хулоса чиқарадилар.

Аллох таоло Қуръонда пайғамбарлар ва умматлар орасида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларнинг хабарини бериб, уларнинг ободончилик, бузғунчилик ҳамда тараққиёт ва таназзул сабаблари ҳақида тегаран фикр юритишга чақиради. Бу каби воқеа-ҳодисаларни ҳар кун оз-оздан ўқиб-ўрганиш орқали ундан ибрат олиш керак. Икки кунда бир ўқилса, учинчи кун яна ўқишга иштиёқ пайдо бўлади ёки ҳар жума кун ўқиш лозим. Ёки ҳолат тақозосига ё ҳар бир инсон ўз эҳтиёжига қараб ўқиб-ўрганиб бориши керак. Бу ишдаги асосий қоида ғайрат ва ихлосдир. “Фатҳул борий”да ҳам шундай фикр илгари сурилган.

Ушбу суннат амални бажариш баробарида инсонлар илм ва зикр масканларига шошиладилар, бундай жойларга интилишлари, қизиқишлари кучаяди.



Саводхонликка эътибор

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг замонларида хат-савод чиқаришга катта эътибор қаратилган. Абдуллох ибн Саид ибн Ос (р.а.) Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг буйруқларига биноан Мадинада одамларга ўқиш-ёзишни ўргатар эди.

Убода ибн Сомит розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Аҳли суфадан бир неча кишига Қуръонни кўчиришни ўргатдим”**⁴.

Абул Вафо Наср “Матолийн насрийя фил усули хоттийя” асарида айтади: “Араб ёзуви кўп тарқалмаган эди. Лекин ҳижратдан кейин бир йилдан кўпроқ муддат ичида сезиларли даражада кўпайди. Бунга сабаб шуки, ҳижрий иккинчи йилда ансорлар иккинчи Бадр жангида Қурайшнинг йирик арбоблари ва бошқалардан етмиштаси асирга олинган бўлиб, уларга асирликдан озод бўлиш учун маълум миқдорда тоvon тўлаш таклиф қилинди. Белгиланган маблағни тўлашга имкони бўлмаганларга эса Мадинадаги ёш болаларга ўқиш-ёзишни ўргатишни таклиф қилишди. Бунга рози бўлганлар болаларга ўқиш-ёзишни ўргатиб, озод бўлдилар. Шу сабабдан саводхонлар кўпайиб, Ислом фатҳ қилган барча жойларга етиб борди”.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг
“Икки олам сарвари” асарида
Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОХ
таржимаси

¹ Имом Муслим ривояти.
² Имом Аҳмад ва Имом Ибн Можа ривояти.
³ Баззор ривояти.
⁴ Имом Абу Довуд ривояти.

Шеърят

Отанг дуоси

Ёқимли-хуш навоси,
Удир қалбнинг давоси.
Эзгуликлар аълоси
Отанг дуоси, дўстим.
Йўлинг ёритувчи – нур,
Тенгсиз жавоҳиру дур.
Қалбга бахш этар ҳузур
Отанг дуоси, дўстим.
Шараф инсон наслига,
Умрининг тўрт фаслига.
Элтар жаннат қасрига
Отанг дуоси, дўстим...

Раҳим НАЗАРМАТОВ,
Шайхонтоҳур тумани

Абдусаттор ҒОФУРОВ,
Беширик тумани

Умра сафари

Барчангиздан сўраб розилик,
Йўлга чиқдик узоқ сафарга.
Зиёратлар қилишни кўзлаб
Кетмоқдамиз Макка томонга.
Йўл азобдир – ҳаммага маълум,
Толиқмоқда тану жонимиз.
Барчамизни чақирган Аллох,
Синовларга тайёр ўзимиз.
Мақсадимиз муқаддас манзил,
Мусулмонлар саждагоҳи у.
Интиқ бўлган нигоҳларимиз,
Тарк қилгандир кўзларни уйқу.
Шоҳу гадо бир хил либосда,
Тумонатдир, ажратиб бўлмас.
Барча банда туғилганида

Шундай эди, бошқача эмас.
Боболарни эслаб, бирма-бир,
Ҳақларига қилинг дуолар,
Ҳажлар тугул, умраларга ҳам,
Боришмаган, берк бўлган йўллар.
Икки олам Сарвари бунда
Каломини етказган Ҳақнинг.
Энг суюкли Пайғамбаримиз
Равзасида саломлар айтинг.
Ибодатни қилинг мукамал,
Тавоф, саъйлар ўрнида бўлсин.
Насиб этсин бу улўф амал,
Ва Аллоҳим тез қабул қилсин!

Беморлик, маййит ва дафнга доир фатволар

414-ФАТВО

Тириклик вақтида ўзи учун қабр қавлатиб қўйишнинг зарари йўқ, аксинча, бу савобли ишдир.

«Оламгирия», «Музмарот»

415-ФАТВО

Дафндан кейин дарҳол тарқаб кетмай, бироз вақт дуо, Қуръон тиловати билан ўтириш мустаҳаб ишлардан.

«Оламгирия», «Музмарот»,
«Жавҳара»

416-ФАТВО

Зарурат юзасидан бир қабрга икки-уч кишининг жасади дафн этилиши мумкин. Агар улар турли жинсда бўлса, қибла томонга катта ёшдаги эркак, ундан кейин норасида ўғил бола, ундан кейин аёл киши қўйилади ва ораларини ажратиб туриш учун тупроқ ташланади.

«Оламгирия», «Муҳит»

417-ФАТВО

Қабрдаги маййит чириб, тупроққа айлангани маълум бўлса, унга бошқа маййит қўйилиши мумкин. Шунингдек, унинг ўрнида деҳқончилик қилиш ва иморат солиб, фойдаланиш жоиз.

«Оламгирия», «Табйин»

418-ФАТВО

Маййит қиблага қараб ётқизилмаган ёки чап ёни билан ётқизилган ёхуд боши оёқ томонга қилиб қўйилгани маълум бўлса, қаралади – агар лаҳаднинг оғзи ғишт билан беркитилган бўлса-ю, тупроқ тортилмаган бўлса, очиб суннат бўйича ўзгартириб чиқилади. Тупроқ тортилгандан кейин билинса, қабр очилмайди.

«Оламгирия», «Табйин»

419-ФАТВО

Қабр ичида кимнингдир қиймати бир дирҳамлик бирор нарсаси қолиб кетган бўлса, тупроқ тортилган бўлса-да, қайта очиб, бировнинг омонати қайтарилади.

«Оламгирия», «Қозихон», «ал-Баҳр»

5-бетда

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ФАТВОСИ

Аслиятни бузиб талқин қилаётган бидъатчи тоифалар ҳақида

Таассуфлар бўлсинки, ҳозирда айрим илмсиз ёшлар энг нозик ва қалтис масалаларни кўтариб, мусулмонлар бирлигига раҳна солишмоқда. Динда ғулувга кетиб, ғайридинлар ҳақидаги оят ва ҳадислардан мусулмонларни кофирга чиқаришда курул сифатида фойдаланишмоқда. Бу жуда хатарли ва қалтис йўлдир. Бу йўлда кўпчилик тойилиб, адашиб кетган. Шундай паллада ёшларни хатарлардан огоҳ этиш ҳар бир зиёли, маърифатпарвар инсоннинг бирламчи вазифалари сирасига киради.

Мазкур тоифаларнинг минг йиллардан бери мусулмонобод бўлиб келаётган заминимизни куфр диёрига чиқариб, ундан ҳижрат қилишга чорлашлари ҳамда ўз мақсадлари йўлида жиҳод ва “шаҳид”ликни тарғиб этишлари урчиб бормоқда. Улар “такфир”, “ҳижрат”, “жиҳод”, “шаҳидлик” тушунчаларини аслиятдан бузиб талқин қилишмоқда.

Биз ушбу шаръий истилоҳларнинг асл моҳиятини далиллар асосида ёритишни мақсад қилдик.

Холис фикр

Ўзганинг ҳақини зое қилишдан сақланайлик

Баъзан вақтимиз зиқлиги сабаб телефон кўнғироқларига жавоб беролмаймиз. Бемалолроқ бўлганда ўзимиз алоқага чиқамиз. Сабаби, баъзи кишилар гапини қисқа ва лўнда қилишмайди, мақсади ҳосил бўлса ҳам вақтингизни олиб, бир мавзудан бошқасига ўтиб кетаверишади. Улар телефон қилгани учун суҳбатни сиз якунлашга қийналасиз.

Аслида кўнғироқ қилувчи керакли масалани гаплашиб бўлгач, суҳбатни тугатишга ҳаракат қилиши керак. Бу худди зиёратга келган киши зиёратдан сўнг туришга изн сўраши кабидир. Уй соҳибининг зиёратга келган одамга “Келганингиз учун раҳмат, энди кета қолинг”, дейиши дуруст

Такфир тушунчаси:

“Такфир” тушунчаси “бировни кофирга чиқариш”, “кофир деб ҳисоблаш” маъноларини англатади. Шариатимизда мусулмон кишини аниқ ҳужжат бўлмасдан “кофир” деб ҳукм қилиш ўта хатарли бўлиб, асло мумкин эмас. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай деган: **«Сизга салом берган кимсга: “мўмин эмассан”, деманглар»** (Нисо сураси, 94-оят).

Демак, Аллоҳ таоло бу ояти каримада шошма-шошарлик билан бировнинг мўмин эмаслиги ҳақида ҳукм чиқариб, иш кўришдан қайтармоқда.

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Уч нарсаси иймоннинг аслидандир: “Ла илаҳа иллаллоҳ” деган кимсга тегмаслик, уни гуноҳи туфайли “кофир” демаймиз, амали туфайли Исломдан чиқармаймиз»** (Имом Абу Довуд ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон киши бошқа диндошига нисбатан қандай муносабатда бўлиши борасида аниқ ҳукм

берилмоқда. Яъни, ҳақиқий мўмин бошқа биродарини гуноҳи туфайли кофирга чиқармаслиги, қилган амали сабабли “мўмин эмассан” демаслиги уқтирилмоқда.

Бошқа ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким мўмин кишини кофирга чиқарса, уни ўлдиргандек (гуноҳкор) бўлади”**, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Кофирга чиқаришнинг хатари ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **«Агар киши ўз биродарига: “Эй кофир” деса, иккисидан бири кофир бўлади. Агар биродари ҳақиқатан ҳам кофир бўлса, тўғри айтган бўлади, акс ҳолда, бу гапи кофир дегувчининг ўзига қайтади»** (Имом Муслим ривояти).

Бу маънодаги ҳадисларни яна кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг барчасида мусулмонларни кофирга чиқаришга шошмаслик, айбланган шахс у айтганидек бўлмаса, ўзи ўша сифатга дохил бўлиб қолиши таъкидланган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таълимларида олган саҳобаи киромлар ва

улардан кейинги уламоларимиз ҳам мусулмонни “кофир” дейишдан жуда эҳтиёт бўлганлар. Чунки улар бу ишда катта гуноҳ борлиги ва бу гап ўзига қайтиб қолишидан хабардор эдилар.

Мулла Али Қори раҳматуллоҳи алайҳ айтиди: **«Уламоларимиз: “Агар (бирор сўз ёки иш устида) мусулмонни кофир дейишга далолат қиладиган тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, мусулмон деб билишга далолат қилувчи биргина далил бўлса, муфтий ва қозилар учун ўша битта далилни олиш лозим бўлади”**, деганлар» (“Шарҳу шифо”).

Демак, ҳозирги кундаги адашганлар бу масалада: “Мўмин дейиш учун тўқсон тўққизта далил бўлса-ю, кофир дейиш учун биргина далил бўлса, тўқсон тўққизини қўйиб, ўша бир далилни олиш керак”, дейишгача бориб етдилар. Бу эса аҳли сунна эътиқодига мутлақ зиддир.

Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Уламолар кенгаши раиси, муфтий

Ҳикмат излаганга...

Аллоҳга ишингиз тушмаса...

Султон Маҳмуд Ислом динини тарқатиш мақсадида Ҳиндистонга ўн саккиз маротаба юриш қилди. Ўшалардан бирида жуда қаттиқ қаршиликка учради. Бу мушкул аҳволдан қутулиш учун Аллоҳ таолога назр қилди: “Аллоҳим! Сен мушкулларни осон қилгувчисан! Бизларга ёрдам қил. Агар бу жангда ғолиб бўлсам, тушган ўлжаларнинг ҳаммасини фақирларга тарқатаман!”

Жангда Султон Маҳмуднинг кўли баланд келди. Ваъдасига мувофиқ, барча ўлжаларни йўқсиларга тарқатмоқчи бўлди. Буни кўрган аъёнлар бир овоздан:

— Султоним, нима қилияпсиз? Шунча бойлик камбағалларга тарқатиладими? Улар бундай қимматбаҳо нарсаларнинг қадрини қаердан билишсин? Бунинг устига давлатнинг бу мулкка эҳтиёжи бор! — дейишди.

Бу сўзларни эшитган ҳукмдор иккиланиб қолди. Шунда маслаҳат олиш учун ўз даврининг уламосига мурожаат қилишди. Султоннинг сўзларини тинглаган олим деди:

— Султоним, бунда иккиланадиган ҳеч нарсаси йўқ! Очиқ-ойдин кўриниб турган бир танлов қилишингиз лозим. Агар Аллоҳга бошқа ишингиз тушмаса, одамларнингиз айтганидек ўлжаларни байтулмолга қўйинг. Агар Аллоҳга яна ишингиз тушадиган бўлса, берган сўзингиз устидан чиқинг ва ўлжаларни фақирларга тарқатинг! Қийинчилик онларида берилган ваъдалар вазият яхшилангач, унутилмаслиги лозим. Чунки яна шундай вазиятга тушмаслигингизга ҳеч ким кафил бўла олмайди.

Нигора МИРЗАЕВА тайёрлади.

Қудратуллоҳ СИДИҚМЕТОВ

Вафот этган кишининг қарзларини зиммага олиш

Вафотидан кейин ўзидан мол қолдирган маййитнинг қарзига кафил бўлиш жоизлиги борасида ҳеч қандай ихтилоф йўқ. Қарзларни зиммасига олган маййитнинг эгаси ёки бошқа шахс бўлсин, маййитнинг мерос қолдирган молдан қарзларни адо қилиб беради. Қарзлар адо бўлиши билан маййит “ҳаққул абд”дан озод бўлади.

Қарзларини тўлашга мол қолдирмаган ёки тириклигида қарзларни тўлашга кафил тайинламаган маййитнинг қарзларини зиммага олиш дуруст ёки дуруст эмаслиги масаласида мазҳабимиз мужтаҳид уламолари турлича йўл тутганлар.

Аллома Алоуддин Косоний раҳимахуллоҳ айтади: “Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ наздида мол қолдирмаган маййитнинг қарзидан кафил бўлиш дуруст бўлмайди. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад наздларида дуруст бўлади” (“Бадоеъус саноъ”).

Лекин қарзга кафил бўлган киши, у хоҳ маййитнинг қариндоши бўлсин, хоҳ бегона, қарзларни ўзининг ҳисобидан тўлаб берса, барчанинг наздида жоиз бўлади, маййит қарздан, яъни “ҳаққул абд”дан қўйилади. Ўзининг ҳисобидан қарзни адо қилган киши катта ажрга эришади.

Содда қилиб айтсак, Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг наздида қарзларини тўлашга мол қолдирмаган маййитнинг қарзларини тўлаيمان, зиммамга оламан дейиш шаръан эътиборга олинмайди. Шу гапни айтса ҳам қарзни тўлашнинг зиммасига тушмайди ва маййит “ҳаққул абд”дан озод бўлмайди.

Лекин қарзларни зиммасига олган киши ўзининг ҳисобидан тўлаб берса, жоиз. Бу ҳолатда маййит ҳам “ҳаққул абд”дан халос бўлади.

Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимо наздларида мол қолдирмаган маййитнинг қарзларига кафил бўлиш дуруст. Яъни, у қарздор маййитнинг зиммаси (масъулияти)ни ўз зиммасига қўшган бўлади ва қарзларни тўлаб бериши шарт бўлиб қолади.

“Фатавои Ҳиндия”да бундай дейилган: “Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ наздида қарзини тўлашга мол қолдирмаган маййитнинг қарзига кафил бўлиш дуруст бўлмайди. Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимонинг наздида эса бундай кафиллик дуруст ҳисобланади (“Бадоеъ”). Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳнинг сўзлари тўғри (саҳиҳ)дир (“Зодул фуқаҳо”). Агар маййит қанча мол қолдирган бўлса, ўшанча миқдорида кафил бўлиш жоиз (“Муҳити Сарахсий”, “Фатавои Ҳиндия”).

Кўпинча жанжалга сабаб бўладиган ҳолат: ҳақдорлар жаноза пайтида маййитнинг қарзларига кафил бўлган кишини ушлаб олиб, қарзларни тўлашга мажбур қилмоқчи бўлишади. Қарзларни тўлашга мол қолмаган бўлса, бу масалада Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг сўзларига амал қилинади. Яъни, кафил бўлган киши ўз ҳисобидан тўлаб берса, дуруст. Тўлаб бермаса, уни тўлашга мажбур қилиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда имом-домлаларимиз жанозани ўқиш олдидан маййитнинг эгалари (тартиб билан: ўғил ёки ота ё бобо ё ака-ука ё

амаки ё амакининг ўғли)ни чақириб, маййитнинг исботланган қарзларини адо қилишни сўрашлари одатга айланган ва бу жоиздир. Чунки бу амалнинг шариятда асли бор бўлиб, баъзи ҳадисларда Пайғамбаримиз алайҳиссалом маййитнинг қарзи бор-йўқлигини суриштирганлари зикр қилинган. Бу одат аслида, маййитнинг эгасини ҳақдорларга мерос молдан қарзларни адо қилувчи сифатида таништиришдир. Лекин бу — мерос моли қолмаган бўлса ҳам маййит эгасининг бўйнига қарзларни юклаб қўйиш эмас. Чунки мерос моли қолмаган бўлса, маййитнинг ўрнига ҳеч кимни қарзни адо қилишга мажбур қилинмайди, ҳатто фарзандини ҳам.

Таъкидлаш керак, жанозадан аввал мана шундай савол-жавоблар бўлмаса-да, маййитга намоз ўқиш дуруст. Мазкур савол-жавоблар жанозанинг рукни ёки фарзи эмас. Бу ишларни имом-домлаларимиз халққа қулайлик бўлиши учун қиладилар.

Эътибор қилиниши керак бўлган нуқта шуки, аксар ҳолларда маййит қарзларини қоплайдиган, ҳатто ундан ортадиган даражада мол қолдирган бўлади. Лекин гоҳида қарздорлик исботланиб турганда ҳам маййитнинг эгалари бу қарзларни адо этмай, чўзадилар ва қаттиқ гуноҳкор бўладилар. Маййит ота-она бўлса, бу гуноҳкорлик янада катта бўлади. Бу уларни узоқ йиллар меҳр билан тарбиялаб катта қилган ота-онага оқ бўлишнинг бир кўринишидир.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази

Тафаккур

Митти чечаклар ҳиммати

Қалбимни негадир маҳзунлик эгаллади. Тушкун ҳисларни кетказиш учун очиқ ҳавода сайр қилдим. Йўл бўйида гуллай бошлаган навниҳолга кўзим тушди, уч дона гули очилган, қолганлари куртаклаш арафасида... Новдалари ҳам гуллари каби нозик...

Меҳрим товланиб, шу учта гулни суратга олишни бошладим. Йўловчиларнинг нигоҳида: “Атрофда шунча чиройли манзара турганда, нима учун бу аёл куруқ шохларни расмга оляпти экан?” деган ўйчанлик кўринди.

Ақл эгалари учун Аллоҳ таолонинг ҳар бир яратилишида оят-аломатлар, ибрат ва ҳикматлар бор.

Ҳозирги манзара қаршисида ҳам шу тахлит ўйга берилдим: «Шу нозиккина навниҳол ҳам ўз вазифасини бажармоқда. Мева бериш учун аввал гуллаш кераклигини тушунмоқда. Баҳор ҳавосига ишонч йўқлиги, бирдан шамол туриб, ҳали қотмаган гавдасини синдиргудек бўлиши ёки ёмғир савалаб нозик гуляпроқларини тўкиб юборишини билса ҳам, қатъий туриб, табиатга ўз “сўзини айтмоқда...”»

Сал нарироқдаги яшил майсалар устидаги оқликлар кўзимга қоғознинг майда бўлаклари каби кўринди. Яқинроқ бориб қарадим. Митти чечаклар экан. Улар

гўё: “Осмонда юлдузлар пайдо бўлгунча ер юзини тўлдириб турайлик” деяётгандек кўринди.

Атроф тўла савлатли дарахтлар ва антиқа гуллар турганда шу жажжиларга нигоҳимни қаратган Раббимга ҳамдлар бўлсин.

Бир оз хасталик етса ёки бошлаган ишимда қийинчилик туғилса: “Заифаман, ожизаман”, деб тушкунликка туша бошлаганимда, мендан кўра заифроқ жонзотларнинг яшаш учун курашаётганини, ҳимматини кўриб уялиб қоламан...

Малоҳат АНВАР

Масала

3-бетда

420-ФАТВО

Мусибат етган хонадон эгаларига уч кунгача бир марта таъзия билдириб қўйиш мандуб ишлардандир. Бунда “Мархум ёки мархумани Аллоҳ таоло ўзининг раҳмати ва мағфиратига сазовор қилсин, гуноҳларини кечирсин. Сизга Аллоҳ сабр берсин”, каби сўзлар билан дилларга тасалли берилади. Мусулмон одам кофирга ва кофир одам мусулмон кишига муносиб сўзлар билан таъзия билдириши жоиз.

«Оламгирия», «Музмарот», «Заҳирия»,
«ас-Сирож»

421-ФАТВО

Оиладан кимдир вафот этган бўлса, хонадон аҳли уч кунгача аза тутиб ўтириши ва таъзияга келувчиларни кутиб-кузатиб туриши мумкин. Аммо дарвоза олдида курси ва тўшакларда ўтириб ёки тик туриб, таъзиячиларни кутиш макруҳ.

«Оламгирия», «Заҳирия»

Изоҳ: Дарвоза олдида таъзиячи кутиш, албатта, ҳамманинг келиши шарт, дегандек бўлади. Аммо дарвозани очиқ қолдириб, уч кунгача ичкарида ўтириш эса, биринчидан, камтарлик аломати. Зеро, камтар инсон одамларни овора қилиш, вақтларини олишдан иложи борица ўзини сақлайди. Таъзияга кела олмаганлардан хафа ҳам бўлмайди. Иккинчидан, кўчадан шошилиш равишда ўтиб бораётган вақти танг кишилар хижолатсиз ўтади. Таъзияга келиш ҳам холис бўлади.

«Оламгирия», «Музмарот»

423-ФАТВО

Мусибатда хонадон аҳли учун таом тайёрлаб едириш жоиз. Учинчи куни зиёфат шаклида таом бериш ножоиз ишлардандир.

«Оламгирия», «Табийн», «Татархония»

424-ФАТВО

Ўзини ёки мол-мулкни душман ёки ўғридан ҳимоя қилаётгани биландир ўлдирилса, мусулмонлар ёхуд зиммийларнинг жонини сақлаб қолиш ҳаракати асносида ўлдирилса, душманининг ўт очиши билан кемадаги мусулмонлар куйиб ўлса, уларнинг ҳаммаси шаҳид ҳисобланади. Улар ювилмасдан, кийимлари билан бирга жаноза ўқилиб, дафн этиладилар. Кийимларида қондан бошқа нажосат бўлса, ўша жойи ювилади. Кафанликка ярайдиган кийимларидан бошқа барча нарсалари ечиб олинади.

«Оламгирия», «Муҳийт»

7-бетда

Каъба неча марта қайта қурилган?


Қибламиз, Ер шари қуруқлиги маркази “Аллоҳнинг байти” ҳақида қандай маълумотга эга-сиз? Байтни маънан зиёрат қилишни истайсизми? Унда, келинг, шу ҳақда суҳбатлашамиз.

Аллоҳнинг байти, Қуръони каримда бир неча номлар билан зикр қилинган: “Ал-байт”, “Байтул атийқ”, “Масжидул Ҳаром”, “Байтул Ҳаром”, “Аввалу байт”, “Каъба” ва ҳоказо.

Аллоҳнинг байти нима учун “Каъба” деб номланди? Сабаби, унинг куб шаклида эканидир. Араб тилида “Каъба” — “куб” деган маънони англатади.

Каъба иккинчи ва асосий қибламиздир. Ундан олдин мусулмонлар “Масжидул Ақсо”га юзланишган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва саҳобалар намоз фарз бўлганида дастлаб 16 ой Масжидул Ақсога юзланиб намоз ўқидилар. Кейинчалик қибла Каъба томонга ўзгарди.

Бугунга қадар Байтуллоҳ бир неча марта бузилиб, қайта қурилди. Олимлар уни тўрт марта қайта қурилган, дейдилар. Айримлар эса беш марта эканини айтишади. Ишончли маълумотга кўра, Каъба Одам алайҳиссалом



давридан ҳозирга қадар 8 марта қайта қурилган.

Дастлаб, Одам алайҳиссалом замонида Каъбани фаришталар курди. Ўшанда Аллоҳнинг байти “Байтул Маъмур” деб номланарди. Нуҳ алайҳиссалом давридаги тўфон пайти Аллоҳнинг изни билан фаришталар “Байтул Маъмур”ни дунё осмонига кўтаришди.

Кейинчалик Байтнинг ўрнида Иброҳим алайҳиссалом ўғли Исмоил алайҳиссалом билан бирга бино курди ва уни “Каъба” деб аташди. Ўшанда Байтуллоҳ атрофида тавофнинг бошланиш ва тугаш ўрнини билдирувчи белги қўйиш лозим бўлди. Шунда Жаброил алайҳиссалом жаннатдан

“Ҳажарул Асвад”ни олиб тушди. Ҳажарул Асвад кўзни қамаштирадиган даражада нурли эди.

Тарихда Аллоҳга ширк келтириб, Каъба атрофида эркагу аёл яланғоч тавоф қиладиган пайтлар бўлди. Уларнинг қилмишлари оқибатида Ҳажарул асвад қорайди. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ҳажарул Асвад оқликда қордан оппоқ бўлиб, жаннатдан тушигандир. (Аммо) ширк аҳлининг гуноҳлари уни қорайтириб юборди”** (Имом Термизий ривояти), деб хабар қилганлар.

Иброҳим ва Исмоил алайҳи-массалом Каъбани қуриш жараёнида тошлар орасига лой ётқизмасдан, ўзини устма-уст

қаладилар. Замонлар ўтиб, сел деворларни қулатди.

Журхум қабилиси даврида сел Каъбани вайрон қилди. Одамлар Байтни қайта қуришди. (Журхумликлар Амоликлардан қолган авлод бўлиб, Исмоил алайҳиссалом ва Ҳо-жар онамизнинг рухсати билан араб саҳросига кўчиб келди).

“Фил воқеаси”дан тахминан 30 йил ўтиб, Қусай ибн Килоб бошчилигида Байтуллоҳ қайта қурилди. Ўшанда Қурайш аёллари Каъба ичини тутун воситасида хушбўй қилиш учун олов ёқишади. Кутилмаганда ёнғин чиқади.

Қурайшликлар Каъбани қайта қуриш учун ҳалол пул жамғаришди. Маблағ етмай қолиб “Ҳатийм” (Каъбанинг ёнидаги ярим ой шаклидаги девор) ажратиб қўйилди. Иброҳим алайҳиссалом даврида Байтнинг эшиги иккита эди. Қусай ибн Килоб эшикни битта қолдириб, ердан 2 метр кўтаради ва остонасига зина билан чиқади-ган қиладди.

Иброҳим ва Исмоил алайҳи-массалом Каъбанинг баландлигини 4 метр, маккаликлар 8,5 метр кўтаришди.

Расулжон ТОШПЎЛАТОВ,
Алишер Навоий номидаги
Давлат музейи докторанти

Биласизми?

Ўнг томоннинг қандай фазилати бор?

Инсоннинг ўнг ва чап томон аъзолари ўртасида яратилиши жиҳатидан ҳеч қандай фарқ йўқ. Аммо динимизда ҳамма масалада бўлгани каби кундалиқ ҳаётдаги оддий ишларимизда ҳам биз учун яхшилик бўлган жиҳатларга урғу берилган. Шулардан бири ўнг томоннинг чап томондан фазилатли эканидир.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қачон бирортангиз еса, ўнг қўли билан есин. Қачон бирортангиз ичса, ўнг қўли билан ичсин. Чунки шайтон чап қўли билан еб, чап қўли билан ичади”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Салама ибн Акваъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида чап қўли билан таом еди. Бас, у зот: **“Ўнг қўлинг билан е!”** дедилар. У: “Қодир эмасман”, деди. **“Қодир бўлма! Уни кибрдан бошқа нарса ман қилмади”**, дедилар у зот. Ҳалиги одам қўлини оғзига кўтара олмай қолди» (Имом Муслим ривояти).

Имом Нававий раҳимахуллоҳ айтади: “Муборак, шарафли ва пок ишларни бажараётганда ўнг томондан бошлаш жоиз. Буларга сунани завоид дейилади. Бирлиги суннати зоидадир. Пойабзал, кўйлак кияётганда, соч тараётганда, мисвокдан фойдаланишда, тирноқ олаётганда, қўл-оёқларни юваётганда, масжидга кираётганда, ҳожатхонадан чиқаётганда, садақа бераётганда, таомга қўл узатаётганда, сув ичаётганда ўнг томондан бошланади.

Буларнинг аксини қиладиганда эса, масалан, пойабзални ечишда, ҳожатхонага киришда, уйдан чиқишда чап томондан бошлаш жоиздир”.

Қуръони каримда ҳам ўнг томоннинг фазилатли эканини билдирувчи бир қанча оятлар келди: **«Биз унга (Мусо алайҳиссаломга) Тур (тоғи)нинг ўнг томонидан нидо қилдик ва уни муножот қилган ҳолида (Ўзимизга) яқин этдик»** (Марям сура-си, 52-оят).

«(Алданганлар ўз пешволари-га): **“Ҳақиқатан, сизлар бизларга ўнг томондан (яъни ишончли томондан) келар эдингиз”, дейдилар»** (Соффат сура-си, 28-оят).


«Бас, (у уchtанинг биринчиси) ўнг томон эгаларидир. Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодат)дир!» (Воқеа сура-си, 8-оят).

«Энди, агар у ўнг томон эгаларидан бўлса, бас, (эй саодатли банда!) сенга ўнг томон эгаларидан салом!» (Воқеа сура-си, 90–91-оятлар).

«Бас, кимнинг номаи аъмоли (қиёмат куни) ўнг томонидан берилса, бас, у осон ҳисоб билан ҳисоб-китоб қилинажак ва (жаннатга тушган) ўз аҳли (оиласи)га шоду хуррам ҳолда қайтажак» (Иншиқоқ сура-си, 7–9-оятлар).

«Ана ўшалар (фазилатларга эга бўлган зотлар) “ўнг томон эгалари”дир» (Балад сура-си, 18-оят).

Шунингдек, коинотдаги бутун унсурлар ўнг томондан чапга қараб ҳаракатланади. Зарралардан тортиб юлдузларга қадар, қуёшдан тортиб барча



самовий жисмларга қадар — ҳаммаси бу мумтоз қонуниятга бўйсунди. Каъбатуллоҳни тавоф қиладиганда ҳам ўнгдан чапга ҳаракатланилади.

Алимардон ҲАЙИТОВ,
филология фанлари номзоди

Амриддин бобонинг қудуғи

Шўрчи туманида Амриддин бобони танимаган одам бўлмаса керак. Албатта, бунинг сабаби бор... Бир йили саратон жуда иссиқ келиб, жазирама ерости дарёларига ҳам таъсир кўрсатди. Ҳатто артезиан кудуқларининг суви жилдираб, камайди. Баъзилари эса, буткул қуриди. Улови борлар сувни тоғолди қишлоқлардан ташиб, амаллашди, аммо улови йўқлар жуда қийналишди.

Бу ҳолатни кўрган Амриддин бобо қўл қовуштириб ўтиролмади. У яхши ниятида кўп йиллардан бери йиғиниб юрганди. Йиққан маблағини эл манфаатига – кудуқ қаздириб, сув чиқариш учун сарфлашга аҳд қилди. Туман марказига бориб, раҳбарлар билан учрашди. Уларга кудуқ қазииш учун мутахассис беришларини, харажатни ўзи кўтаришини айтди. Амриддин бобонинг ташаббуси марказдагиларга ҳам маъқул бўлди. Улар ҳам кўп куттирмай, мутахассисларни юборишди. Озод қишлоғининг

дарёга туташ дара бўйидаги ялангик кудуқ қазииш учун энг муносиб жой деб топилди. Танланган ерда намлик мўл бўлганидан қазииш ишлари осон кечди. Тез орада кудуқдан шарқираб зилол сув чиқди. Қишлоқ аҳлининг қувончи чексиз эди. Ўша куни Амриддин бобони дуо қилмаган, алқамаган одам қолмади.

Мана, қарийб ўн йилдирки, ҳалигача ўша кудуқ аҳолининг чанқоғини қондириб келади. Озод қишлоғидан ўтган-қайтганлар борки, сув чиқарганнинг ҳаққига дуолар қилади. Дарҳақиқат, Амриддин бобонинг иши Расулulloх соллalloху алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадислари татбиғи эди: **“Ким сув бор жойга сув чиқарса, бир жонни озод қилгандек бўлади. Ким сув йўқ жойга сув чиқарса, бир жонни тирилтиргандек бўлади”** (Ибн Асокир ривояти).

Албатта, бу каби муждалар Амриддин бобо каби саховатпеша инсонларни руҳлантиради.

Улар хайр-саховат, эзгу амалларни янада кўпроқ бажаришга, одамларнинг оғирини енгил қилиб, дилларига хурсандчилик улашишга интилишади.

Бугун бутун дунёда бўлгани каби юртимизнинг айрим ҳудудларида ҳам тоза ичимлик суви танқис. Одамлар олислардан сув ташиб, ҳафталаб ҳовузларда сақлаб истеъмол қилишади. Имкони бор – саховатпеша инсонлар тоза ичимлик сувига муҳтож ҳамюртларимизга бу борада ёрдам кўлини чўзиб, сув чиқариб ёки етказиб беришса, хайр-эҳсоннинг энг улуғи бўлар эди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Хайрли ишларда бир-бирингиздан ўзишга ошиқингиз! Ҳаммангизнинг қайтадиган жойингиз Аллоҳнинг ҳузуридир»** (Моид а сураси, 48-оят).

Дилмурод СОДИҚОВ

Маслаҳатхона

Офтоб уришидан эҳтиёт бўлинг

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир фаслнинг инсон саломатлигига нисбатан салбий ва ижобий таъсирлари бор. Албатта, ёз фасли, қуёшли кунлар ҳаммамизга ёқади. Бироқ бу мавсумда ҳам риоя қилиниши лозим бўлган меъёр-талаблар бор.

Қуёш тиғи остида кўп қолиш, димиққан хонада, дим ҳавода туриш – офтоб уришига сабаб бўлади. Булар қуёшнинг тикка нурлари остида яланг бошни ва баданни ҳимоя қилмаган ҳолда туриш оқибатида содир бўлади.

Биз шунчаки “офтоб уриши” дея беписандлик билан қарайдиган ҳолатнинг аслида хатарли оқибатлари анча-мунча. 2015 йилнинг июнь ойида ҳаво ҳароратининг +45 даражага кўтарилиши оқибатида Покистоннинг Карачи шаҳрида кўп одам ҳалок бўлган. Бу каби нохуш ҳолатлар бошқа мамлакатларда ҳам учраб туради.

Офтоб уришининг олдини олиш учун бошга енгил, очик рангдаги бош кийими кийиб, кўзларни қуёшдан ҳимояловчи кўзойнак тақиш лозим. Қуёшда, чўмилиш жойларида узоқ вақт қолиб кетмаслик, айниқса, куннинг қуёш фаоллиги даври ҳисобланадиган 12:00 дан 16:00 гача очик майдонларда, кўчаларда узоқ бўлмаслик зарур.

Иссиқ кунларда енгил, ҳаво ўтказадиган пахта ва каноп толасидан тўқилган, танадаги тернинг чиқиб кетишига тўсқинлик қилмайдиган кийимлар кийиш лозим. Калорияси кучли таомлардан тийилиб, кўпроқ сут-қатик, мева-сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия қилинади.

Танадаги сув меъёрини сақлаб туриш учун кунига 3 литр атрофида сув, минерал сув, махсус тузли эритмалар ичиш керак. Вақти-вақти билан юз ва бўйинни совуқ сувда намланган дастрўмол билан артиш яхши фойда беради. Иссиқ шароитда ишлаганда имкон қадар бот-бот салқин жойда дам олиш керак.

Офтоб уришига мойиллик кўпроқ ёш болалар ва ўсмирларда кузатилади. Офтоб урганида кишининг тана ҳарорати ҳатто +40 даража ва ундан ҳам ошиб кетиши мумкин. Умумий дармонсизлик, бош оғриғи, кўнгил айнаши, қайт қилиш, қулоқ шанғиллаши, бош айланиши, қон босимининг пасайиши, бурун қонаши, оғир ҳолларда тиришиш ва комага тушиш кузатилади.

Бундай вазиятда беморга шошилишч биринчи ёрдам кўрсатиш лозим. Офтоб урган киши зудлик билан очик ҳавога, салқин жойга олиб чиқилади. Ечинтириб, ҳўл

чойшабга ўралади. Бош соҳасига ҳам совуқ нарсаси қўйилади. Юзини совуқ сув билан ювиш лозим. Беморни ётқизиб, оёқларини бир оз кўтариб қўйиш, елпиш керак. Кўп миқдорда салқин ичимлик, оддий сув ёки оз миқдорда туз ва шакар қўшилган суюқлик ичирилади. Қатик ичириш яхши фойда беради. Одатда офтоб урган кишига бир неча кун ёғсиз қатик ичиш тавсия этилади. Чунки бу маҳсулот организмни тикловчи ва совитувчи воситадир.

Шифокорлар офтоб урган одамга бир неча кун ётишни тавсия қилишади. Боиси, организмдаги асаб тизими, қон айланиши ва бошқа бир қатор бузилган биокимёвий реакциялар тикланиши учун вақт керак бўлади.

Ёши улуғ, тажрибали бувиларимиз, оналаримиз қиш фаслида идишларга қорнинг сувини тўплаб, уни қоронғу ертўлаларда сақлашади. Мабодо, ёзда бирон кишини офтоб ургудай бўлса, ўша қор сувида чўмилишни, юз-қўлларни ювишни, ҳатто ичишни ҳам тавсия қиладилар. Бу халқ табобатидаги энг яхши, синалган муолажалардан бири ҳисобланади.

Муҳаббатхон РАҲМОНОВА,
олий тоифали шифокор

Масала

5-бетда

425-ФАТВО

Шаҳарда қотили номаълум жасад топилса ёки жанг майдонида оғир яраланиб, ташқарига тирик ҳолда чиққач, дунёвий ғаддан гапириб, овқатланиб, бирор ичимлик ичиб ёки ухлаб, даволаниб, васият қилиб, салқинлаб ёки бир намоз вақти ўтгунича тирик туриб, сўнг жон берса, ювилиб, жанозаси ўқилади. Боғийлик ва қароқчилик ҳолида ўлдирилганлар ювилади, лекин уларга жаноза ўқилмайди.

«Мухтасар», «Оламғирия»

426-ФАТВО

Мозор ва қабристонларни зиёрат қилиш эркак ва аёлларга баробар жоиз.

«Раддул мухтор» матни ва ҳошияси

427-ФАТВО

Қабр зиёратига борганда, майитнинг оёқ томонида туриб салом берилади ва тик турган ҳолда дуо қилинади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Жаннатул Бақий” қабристонини зиёрат қилганларида ана шундай қилар эдилар. Агар бунинг имкони бўлмаса, бошқа томонида турилади. Салом бергандан кейин: “Ассалому алайкум, даро қовмин муъминин. Ва иннаа иншааллоху бикум лаҳикун”, дейди. Таржимаси: “Ассалому алайкум, эй мўминлар диёри! Биз ҳам, иншоаллох, сизларга келиб қўшилиамиз”. Кейин четга чиқиб, Ёсин сураси ёки ўн бир марта Ихлос сураси ёхуд билган сура ва оятларини ўқиб, савобини марҳумлар руҳига ҳадя этади.

«Раддул мухтор» матни ва ҳошияси

428-ФАТВО

Ким рўза тутиб, намоз ўқиб ёки хайр-садақа қилиб, савобини ўтган ота-онаси ё бошқаларнинг руҳониятига ҳадя этса, Аҳли сунна вал жамоа эътиқодига кўра, савоби уларга етади.

«Раддул мухтор» ҳошияси

429-ФАТВО

Қуръон тиловатининг савобини Пайғамбаримиз соллalloху алайҳи ва салламга ҳадя этиш жоизлигига кўпчилик уламолар иттифоқ қилганлар.

«Раддул мухтор» ҳошияси

430-ФАТВО

Ўлимидан олдин ўзи учун кафан тайёрлаб, қабр қавлатиб қўйиш жоиз. Умар ибн Абдулазиз, Рубайий ибн Хусайн ва бошқа улуғ зотлар ана шундай қилишган.

«Раддул мухтор» матни ва ҳошияси

“Минг бир фатво” китобидан

Ашраф Али Таҳонавий раҳматulloҳи алайҳ айтдилар: «Аллоҳ таолонинг дўстлари жуда одил бўладилар. Ҳар нарсада одиллик ва мўътадилликни ёқтирадилар. Ҳазрат Мирзо Жони жонон раҳматulloҳи алайҳ жуда нозик табиатли, ўта инжиқ киши бўлганлар. Лекин мен у кишининг одиллигига далолат қиладиган бир воқеани айтиб бераман.

Кунларнинг бирида ҳазрат бир муридга: «Болаларингни олиб кел, биз уларни кўрмоқчимиз», деди. Бечора мурид: «Ҳазратнинг мижози нозик, болаларим эса шўх, уларнинг аҳмоқона ҳаракатларидан у зотнинг кайфиятлари бузилмасин», деган ўй билан болаларини олиб келишни ортга сурди. Бир неча кундан сўнг ҳазрат: «Мен сенга болаларингни олиб кел, деб айтгандим, сен эса олиб келмадинг», дедилар. Мурид яна бу ишни пайсалга солди. Бир муддат ўтиб, ҳазрат яна ўша гапини такрорлагач,

мурид болаларини олиб келмагунича қутулмаслигини билди. Уйига бориб, аввал болаларни яхшилаб ювинтириб, уларга тоза либосларни кийдирди. Сўнг ҳазратнинг табиатига мувофиқ одобларни ўргатиб, болаларини у зотнинг ҳузурига олиб келди. Ҳазрат Мирзо Жони жонон болалар билан такаллуфсиз, яйраб гаплашмоқчи бўлди. Лекин улар бўйнини эгиб, кўзини пастга қаратиб ўтираверди. Ҳазрат уларнинг отасига: «Биз сенга болаларингни олиб кел, деб айтган эдик», деди. Мурид: «Мана шулар менинг болаларим-да», деди. Ҳазрат: «Шулар болами? Булар сенинг бобонг-ку! Биттаси бизнинг белимизга мингашиб олса, иккинчиси салламизни олиб қочса, ана ўшанда «бола» деса бўлади», дедилар.

Кўрдингизми, у зотлар қандай

ОДИЛЛИКНИНГ МИСОЛИ



одил бўлишган? Улар ўз табиатига эмас, балки усулга (қонунга) итоат қилишган. Шунинг учун улар катта ёшли киши бирор номуносиб ҳаракат қилса, қаттиқ танбеҳ берадилар. Ёш боланинг эса, шўхлик қилмаганига

хафа бўладилар. Нақадар буюк адолат!»



«Малфузот» ва

«Мажолиси ҳақимул умма» асаридан

Ёрқинжон ФОЗИЛОВ таржимаси

Тиббиёт бурчаги



Тут меваси, пўстлоғи, япроғи турли касалликларга даво бўлади. Тез-тез шамоллайдиган кишиларга тутмайиз ейиш тавсия этилади. Таркибида фосфор сақлагани боис, ақлий фаолият соҳибларига кони фойда. Ҳомиладорларга ҳам дармондоридир.

Тут, ток ва қора анжирнинг барглари биргаликда ёмғир сувида қайнатилиб, соч ювилса, уни қорайтиради. Оқ тут барги томоқ оғриғига, янги узилган баргининг шираси тиш оғриғига, меваси ва

Тутнинг фойдалари

шираси оғиз ва томоқдаги шишларга даво бўлади.

Тут дарахти пўстлоғидан тайёрланган малҳам билан йирингли жароҳатларни, терининг куйган ва жароҳатланган қисмини, дерматитни, экзема ва псориазни даволаш мумкин. Икки қошиқ майдаланган дарахт пўстлоғини қиздириб совутилган 100 грамм писта ёғи билан аралаштирилади ва музлаткичда уч кун давомида тиндирилади. Сўнг уни аралаштириб, жароҳатларга, хуснбузарларга кунига тўрт маҳал суртилади.

Тут-майиз кучли терлатувчи хусусиятга эга, шунинг учун шамоллаганда ундан чой тайёрлаб ичиш тавсия этилади.

Оғиз бўшлиғи хасталиклари — стоматит, пародонтоз, яра ва томоқ оғриғида шотут меваси дамламаси билан ғарғара қилиш яхши натижа беради. Уни тайёрлаш учун 2 қошиқ эзиб майдаланган шотут мевасига 200 грамм қайноқ сув солинади.

Қон босимини ва қон айланиш тизимини меъёрлаштиришда тут дарахти илдизи қайнатмасидан ичиш тавсия этилади. Бунинг

учун 50 грамм илдиз майдаланиб, 1 литр қайноқ сув солинади. Бир соат дам егач, 15 дақиқа паст оловда ушлаб турилади. Совугач, сузиб олинади. Кунига уч маҳал стаканнинг учдан бир қисми миқдорида ичилади.

Тут дарахти пўстлоғи майда туйилиб, кунжут ёғи билан аралаштирилиб, яраларга суртилса, тез тузалади. Пўстлоқ қайнатмаси, шунингдек, балғам кўчирувчи восита ҳисобланади. Айниқса, ушбу қайнатма курук, сурункали йўтал, бронхит, бронхиал астма (нафас қисиши)да қўл келади. Бундан ташқари, илдиз қайнатмаси гижжани ҳайдашда ҳам энг яхши даво. Чилонжийда билан тут мевасидан тайёрланган қайнатма эса бўғма (дифтерия), қизилча (скарлатина) каби касалликларга даво.

Ширин тут иссиқлик, нордон шотут эса совуқликдир. Қон босимининг кўтарилиши, камқонлик, руҳий тушкунлик каби касалликларни шотут ёрдамида даволаш мумкин. Шотут организмдаги гормонал бузилишни тўғрилаб, аёлларнинг яллиғлаиш касалликларини даволашда

қўл келади. Аёллардаги климакс ҳолатида кўп терлаш, қизиш каби нохуш аломатларни йўқотишда,

юрак соҳасидаги оғриқларда кўпроқ шотут ейиш буюрилади. Асал билан аралаштириб ейилса, иммунитетни кўтарди.

Бир ҳовуч қуритилган тут баргига 1 пиёла қайноқ сув қуйиб, буғида 10 дақиқа қайнатиб, совутиб, қовоқлар териси артилса, кўзнинг яллиғлаиши, говмижжани даволашда ёрдам қилади. Дамламада бинт бўлагини намлаб, кўзларга компресс қилиб, 20 дақиқа ётилса, кўз олдининг хиралашуви камаяди.

Қалқонсимон без касалликларини даволаш учун ҳар кун эрталаб соат 9 ларда 3 донагача оқ тут истеъмол қилиш керак. Чунки шу вақтда қалқонсимон без жуда фаол бўлиб, дармондорилар таъсирида ўзидан янада кўпроқ йод ишлаб чиқаради.

Эслатма: ичак хасталиклари билан оғриган беморлар, ичкетарга мойил кишилар, қандли диабет, қон босими хасталиги бор кишилар меъеридан ортиқ тут истеъмол қилишлари тавсия этилмайди.



Жалолиддин НУРИДДИНОВ

тайёрлади.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV	Tolibjon NIZOMOV
Sodiq TOSHOYEV	Hikmatulloh TOSHEMIROV
Homidjon ISHMATBEKOV	Azizbek XOLNAZAROV
Jaloliddin XAMROQULOV	Jamoatchilik kengashi
Obidjon QODIROV	Alisher ESHIMOV
Uyg'un G'OFUROV	Islomiddin ZUHRIDDINOV
Muhammadsharif JUMAN	Rustam JAMILOV
Xolmat ATABAYEV	Muzaffar KAMOLOV
Komiljon BURXONOV	

Toshkent—100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru

www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: Azizbek XOLNAZAROV

Musahhiha: Zabo OMONOVA

Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV

Ekspertizaga berildi: 27.04.2023

Xulosa (№03-07/3137) olindi: 02.05.2023

"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.670
227/8-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!